

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган XIII пленумида барча меҳнаткашларни, айниқса ёш авлодни юрак оғлилик ва коммунизмга садоқат, меҳнатга ҳамда ижтимоий ҳўжаликка коммунистик муносабатда бўлиш, совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Партия, совет, касабасоюз ва комсомол ташкилотлари, бутун жамоатчилик олди-га ўтмиш сарфатларини, қолоқ қарашлар, ҳулқ ва одатларни тўла бартараф қилиш, маънавий маданиятнинг чинакам бойлигини яратишдек муҳим вазифалар қўйилди.

Ана шу вазифаларни амалга ошириш юзасидан областимизнинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларида намунали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан Чирчиқ шаҳар, Совет кўчасидаги 27, 25, 25 «а» уйларда яшовчи аҳоли, айниқса пенсионерларнинг ёш авлодни тарбиялашдаги ибратли ишлари диққатга сазовордир. Куйида ана шу аjoyиб ташаббус ҳақида ҳикоя қилинади.

УЧ ЙИЛ МУҚАДДАМ...

КЕНГ асфальт кўчадан ўтиб борар экансиз навқирон Чирчиқ шаҳрининг ҳуснига меҳр билан боқасиз, йўлнинг икки тарафида қатор кўп қаватли уйлар, ҳашаматли кинотеатр бинолари, нафосат билан қурилган маданият саройи, ҳуш табиат паркларини завқ билан томоша қиласиз.

Дилрабо тоғ оғмоқда. Кимёгарлар, машинасозлар, бинокорлар, нурчилар меҳнат қўйишига шайланган. Чек-радарда мамунлик, одам-олам қувонч жилваланади.

Ана шу йўловчилар ичида етмиш ёшларга яқинлашиб қолган Михаил Иванович Кузнецов ҳам салобат билан, тетик қадам ташлаб бормоқда. Ўз ҳаётидан ниҳоятда мамнун бўлган киши мана шундай шахдам қадамлар ташлайди. Михаил Иванович миллион-миллион бахтиёр совет кишиларимизнинг бири. У умрининг ярмидан кўпрогини мана шу Чирчиқ шаҳрида ўтказди. Шаҳар барпо қилишда биринчи гиниш қўйиш бахтига муяссар бўлган муътабар кишиларидан бири у. Унинг қилган аjoyиб ишларини санаб саногига етолмайсиз.

... Беш йил муқаддам Совет кўчасидаги 27-уй бунёдга келашди. Уй қурилганда атроф тап-тақир тошлқ ва ўқир-чўқир сойлиқлардан иборат эди. Ўша ерлар би-нойдек манзарасига айлантирилди: бир неча юз туп даракт кўчатлари ўтқазилди, оби-ҳаёт келтириш учун ариқ-зовур-лар қазилди. Бу ишларга Михаил Иванович бош-қош бўлди.

27-уйда яшайётган 60 га яқин хонадоннинг ҳаёти ва тақдирини Михаил Ивановичга бефарқ эмас эди. «Олтимиш хонадон бир оиладай бўлиши керак» — деб ўйларди М. И. Кузнецов.

1962 йилнинг август ойида 27, 25 ва 25 «а» уйларида яшовчиларнинг биринчи умумий мажлиси қаърилади. Ана шу мажлисда етти кишидан иборат штаб — уй комитети тузилди. Ана шу комитет ҳамма ишларга масъул ва барча тадбирларни амалга ошириш лозим эди. Раис қилиб Михаил Иванович сайланди.

ХОНАДОНЛАРДА ЛЕКЦИЯ, СУХБАТЛАР

ИШНИ нимадан бошлаш керак? Ана шу савол ҳамма-нинг фикри-ёнида қўндаланг бўлиб қолди. Аввало ҳар бир хонадондан ўн сўмдан пул йиғиб олинди. Ердам учун «Чирчикхимваш» заводи маъмуриятига мурожаат қилинди. Ҳовлидаги хиббон учун керакли анжомлар, бо-лалар учун зарур ўйинчоқлар завожда асалди: бир неча кун ичида болалар карусели, қум майдончаси, темир ағримчоқлар, жанжи столчалар жой-жойига ўрнатилди. Ҳовли қўрилиши мутлақо бошқача манзара наф элди. Энди болалар кўчаларда югуриб-елиб юришмас, уй комитети аъзоларининг таъбири билан айтганда ҳовли тарбия майдончасида ўзлари билан-ўзлари овоза бўлиб қолган эди.

Бу 27-уй коллективи томонидан бошланган катта та-шаббуснинг бошланиши эди, холос...

Куналарнинг бирида «Ҳовлимизга лектор келганимиз, бизлар учун лекция ўқирмиш...» деган хабар тарқал-ди. Бу гапларнинг жони бор эди. Штабнинг тузиб чиққан планига асосан, шу кундан эътиборан, бир ойда икки мар-та лекторлар келиб, турли хил темаларда лекциялар ўқи-шадиган, суҳбатлар ўтказишадиган бўлиб қолди. Бу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида 27-уйда яшовчилар ўнга яқин лекция ва суҳбатлар тингладилар. А. М. Ав-ром, Ю. А. Плахтий, К. И. Нагорнов каби лекторларнинг қизиқарли лекциялари ҳар доим юқори савияда ўтали-ди. Агар сиз бу ерда яшайдиган ҳоҳлаган кишингиздан халқ-аро аҳвол ҳақида савол сўраб қолгудай бўлсангиз, у ҳам сизга яхшигина лекция ўқиб бериши турган гап.

Лекциялардан кейин қўйиб берилган ҳужжатли фильملарни айтмаймишми? Биронта мавзў сизни қизиқти-риб қолгудек бўлса, 27-уйга келсангиз батафсил жавоб оласиз. Киномеханик В. Дементьев ҳам «бегона» эмас. У шу уйда яшайди. Унинг хизматидан ҳамма хурсанд. Ҳар кундан сўнг катта-ю кичик ўнга «қўлинг дард кўр-масин, Владимир» дейишади.

БАХТЛИ ЁШЛИК

ЭРТАЛАБКИ заряднага!

Ҳар кун эрталаб соат еттида 27-уй ҳовлисида ана шундай команда янграйди. Ҳамма подёзлардан болалар югуриб чиқиболладилар. Улар физкультура майдонча-сига шошилладилар. Эрталабки заряднаги ўқувчилардан Жея Гафигулина ва Гарик Хайировлар бошқарадилар.



Уй комитетининг раиси
М. И. Кузнецов

Шундан сўнг бир кунлик план ишлаб чиқилади. Ҳар бир бола кўнгли ҳоҳлаган иш билан машғул бўлиши мум-кин. Биринчи бадий ҳаваскор-лар тўғрисида иштирок эти-ди. Ана бошқаси Л. Лебедева раҳбарлигида стол теннисида ўйнашга шошади. Баскетбол майдончаси бир зумда га-жумлашиб қетади. Фото ҳа-васкорлар эса Семёнов ама-нининг олдида югуришади. Шахматчилар, шашкачилар ҳам ўз ўринларини ағаллай-дилар.

Қизчалар ҳам ҳафа бў-лишмайди. Улар Степанида Андреевна Кузнецова раҳ-барлигида бадий каштачи-лик тўғрисида шугулланади-лар. Қиз-қизик эрталар, ҳикоятлар ўқишга иштиёқи зўр бўлганлар хиббон ичида жойлашган кўма болалар кутубхонасига киришади.

Тушдан кейин болалар тўп-тўп бўлишиб корхоналарга йўл оладилар. Улар меҳнат кучида жавлон ураётган ишчилар учун концертлар қўйиб берадилар. Шаҳар радио тармоғи орқали «Еш артистлар»нинг жозибали, ёқимли кўшиқ ва куйлари янграйди.

Бошқа бир гуруҳга эса Чирчиқ дарёси соҳилига — бадий овнга жўнайди. Балиқ овлашнинг ўз гашти бор. Болалар ўзаро ним «ўл тутиш мусобақаси» ўйнашади. Соф ҳавода мириқиб дам олган эриктўйлар қош қорайиш бил-дан ўз уйларига — корхоналар оғушдан қайтган ота-она-лари олдида келадилар.

Бу ишларнинг ҳаммасига уй ишлари билан шугулла-нувчи аёл Анна Моисеевна Шкловская — болалар сенто-рининг мудираси раҳбарлик қилади.

КОЛЛЕКТИВ—ТАРБИЯЧИ

КАТТАЛАР «Болалар бизнинг келажакимиз» деб бе-чиз айтишмайди. 27, 25, 25«а» уйларда юзга яқин бола бор. Уларнинг ҳар бирига ҳос муомала қилиш, ҳар бирининг табиатини ўргатиш, қўнглини топиш керак бў-лади. Бўлган эса алоҳида характерли болалар ҳам бўла-дики, уни тарбиялаш учун бутун коллектив оёққа туради. Наум Гисининг тарихини эшитинг:

Наум бешинчи синфда ўқир эди. У ўз шериклари бил-дан ҳовлида ўйнамас, балиқ оғига бормас, бадий ҳавас-корлар тўғрисида қатнашмас эди. Эрталабдан негача томон-томон ошар, катпар тутиш билан овоза бўлар, ўйна қароқлидан бўлган оғи остидаги хафни ҳам унутиб қў-яр эди.

Уй коллектив ташвишда қолди. Аҳвол мана шундай давом этаверса, фалокат рўй бериши мумкин эди. «Кўза кунда эмас, кунда синади».

Уй комитети раисининг ўринбосари Александр Трафи-мович Давидов Наум ҳақида унинг отаси Федор, онаси Лидиялар билан жиддий гаплашиб кўрмоқчи бўлди. Лекция ота-она коллектив фикрини тушунишни хоҳлашмади. «Синалар бизларнинг болаимизни кўролмайсиз...» дейишди ҳам, ўз эриктўйини «севган» ота-она.

Бўлмади. Унинг ойилари оғушда, меваларнинг гў-раси узиб ташланганда давом этди. Уй комитети умумий мажлис қаъришга мажбур бўлди. Кўп одамлар сўзга чиқди. Наумнинг ота-онаси ўз айбобларига яқин бўлгандай бўлди. Ундан ташқари М. И. Кузнецов, А. Т. Давидов, А. М. Шкловскаялар болани кўз узмишди. У билан яқинроқ алоқа ўрнатишга, унинг қўнглини топишга ҳара-кат қилишди.

Энди Наумнинг ўзи Михаил Ивановичнинг олдида тез-тез келиб турадиган, тартибсиз болалар ҳақидаги ҳикоя-ларини тин олмай эшитадиган бўлди.

Тез кунда Наумнинг ҳаётида катта ўзгариш рўй бер-ди. У яхши баҳолар олиб ўқийдиган, даракт шохларини синдирувчиларга қарши курашадиган бўлиб қолди. Ҳатто шашка тўғрисидаги раҳбари ҳам бўлиб олди.

Коллективнинг Наум тўғрисида қилган ҳаракатлари, жонбозликлари зое кетмади. Коллектив кучи ўз сеҳрини кўрсатди. Шу кунларда Ф. Гисин ва Л. Гисиналар фар-зандини тарбиялашда ердан берган коллективдан чексиз хурсанд.

МАДАНИЙ ТУРМУШ УЧУН

ХОВЛИГА кираверишда деворга осиб қўйилган, чирой-ли қилиб безатилган деворий газетасида кўзгитиз туша-ди. «Маданий турмуш учун» газетаси 27-уй коллекти-ви томонидан чиқарилади. Шу кунгача газетанинг 23-со-ни чиққан.

Хонадонлар ўзларининг деворий газетасини жондан севишади. Газетани безатишда, мақолалар ёзишда киши-лар зўр қизиқиш ва иштиёқ билан ишлайдилар.



Суратларда (юқори-да): «Билим» жамияти шаҳар бўлимининг масъ-ул секретари А. Е. Каза-кевич қизиқарли лекция ўтказмоқда. Пастдаги су-ратда «Чирчикхимваш» заводи клубининг сахна-сида тушқи дам олиш пайтида ишчилар 27-уй бадий ҳаваскорлари иж-росида берилган концерт-ни томоша қилмоқдалар.



— Редколлегиямиз состави етти кишидан иборат, — дейди газета редактори ўртоқ М. И. Кузнецов, — ҳар би-римиз ўзаро қилинадиган ишларни бўлиб олганимиз. Газе-та бизнинг умумий ишимизга, коллективни тарбиялаш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Унда бе-рилган турли хил расмлар ҳам киши эътиборини ўзига жалб қилади. Коллектив ҳаётида рўй берган муҳим ўза-ришлар ана шу расмларда ўз аксини топади.

КОММУНИЗМ КУРТАКЛАРИНИ

РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

Я ҚИНДА 27, 25, 25 «а» уй коллективи Чирчиқ шаҳ-рининг барча меҳнаткашларига «Ҳаётимага ком-мунистик мазмун берайлик» деган сарлавҳа остида му-рожаат қабул қилди. Мазкур мурожаатда шундай дей-лади:

«Бизлар, 27, 25 ва 25 «а» уйларда яшовчилар Ға-бекстон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йил-лик тўйини муносиб кутиб олиш учун ўз зимманимизга қў-йилган мажбуриятларни оламиз.

— Ҳовлимиз ободончилигини яхшилашнинг давом эти-рамиз ва шанбаиклар ўтказиш йўли билан кўламазор-лаштиришга катта эътибор берамиз.

— Коллективимиз орасида оммавий-сиёсий, коммуни-стик ахлоқ темаларига бағишланган лекция, суҳбатларни систематик равишда ўтказиб турамиз.

Катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган, яхши қўши-чилиш муносабатларини тугдираётган, бир-бирига ўртоқ-лик ёрдамини кучайтираётган умумий мажлисларни тез-тез қаъириб турамиз.

— Социалистик турмуш қондаларига сўзсиз бўйсун-амиз, ўзаро ҳушмуомалада бўламиз, бир-биримизни ҳар доим ҳурмат қиламиз.

— Болалар тарбиясини энг муҳим масала деб ҳисоб-лаймиз. Бизлар болаларга ёшлик чоғларидан меҳнатга муҳаббат, билимга иштиёқ, катталарга ҳурмат, халқ мул-кинни кўз қорачуғидай сақлаш руҳларини сингдирамиз.

— Бизлар шаҳар мактаблари жамоатчилиги билан бў-лаётган алоқамизини янада мустаҳкамлаймиз. Ўларнинг ёрдами билан болалар учун коллектив ва индивидуал суҳбатлар, ўқишлар, қизиқарли ўйинлар уюштирамиз. Спорт ва ижодий тўғараклар — бадий ҳаваскорлик, рас-соччилик сингари тўғараклар ишини янада яхшилаймиз. Болалар расмлари ва кашталари виставкасини ўтказамиз,

шашкачилар ва шахматчилар конкурсларини уюшти-рамиз, корхоналарга экскурсиялар қиламиз.

— Бутун коллективни жалб қилган ҳолда «Маданий турмуш учун» деворий газетасини систематик равишда чиқариб турамиз. Унинг саҳифаларида ахлоқсизликнинг ҳар қандай қўрилишларини, социалистик қонунчилигини бузувчиларни аёвсиз равишда фош қиламиз.

— Давлат ва жамоат мулки дахлендир. Бизлар уни-миз биносини, хоналарни коммунали равишда сақайишамиз.

— Бизлар мазкур мажбуриятнинг бажарилишини ҳар қаватда коллектив умумий мажлисида муҳокама қилиб турамиз.

— Бизлар «Чирчикхимваш» заводи, барча шаҳар меҳнаткашларини «Коммунистик меҳнат ва юқори мада-ниятга шаҳар» номини олишда муносиб бўлишга чақири-миш. Барча уй комитетларини энг яхши ҳовли, энг яхши коллектив деган шарафли номларни олиш учун мусобақа қилишга даъват этамиз. Бу ҳаракатлар бизларга ўтмиш-нинг айрим қолдиқларини тезда тугатишга, ҳаётимизни гўзал, мазмунли ва қувноқ қилишга ёрдам беради деб ишонамиз.

Мазкур мажбурият 27, 25 ва 25 «а» уйда турувчилар-нинг умумий мажлисида муҳокама қилинган ва бир оғиз-дан қабул қилинган.

ҲАММА ҲОВЛИ ШУНДАЙ БЎЛСИН

ҒУЗОР ака Бозоров «Чирчикхимваш» заводидаги қо-зон цехида қувонч бўлиб ишлайди. У ўз оиласи бил-ан 25-уйда туради. Ғузор ака биз билан ҳамсуҳбат бў-либ қолди.

— Бизлардаги ёш болалар майдонлари жуذا кат-та тарбиявий аҳамиятга эга. Унинг самараларини ҳозир-нинг ўзидаёқ кўриб турибмиз. Лекция мен бир нарсасга ҳайронман. Чирчиқ шаҳримиз бўйича ана шундай май-дончалардан ўттиз учта бор, деб эшитдим. Аммо улар-нинг ҳаммасида ҳам ишлар бизларникидек намунали йўл-га қўйилмаган, дейишади.

Нима учун мана шундай яхши ташаббусни кенг ёйиш учун шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети жон қойишмаптир? Агар ҳамма ёш тарбия майдонча-ларида ишлар биздагидек ибратли ва режалли таққил этил-ганида қандай яхши бўлур эди!

...Ғузор аканинг эътирозлари тўғри. Бошқа ёш тар-бия майдончаларида бўлсангиз у ерларда ҳам 27-уйдаги сингари шароитни вуҷудга келтириш мумкин эканлигига ишонч ҳосил қилсангиз.

Ташаббуснинг қаноти бор, дейди халқимиз. Порлоқ коммунистик жамият кишини тарбиялашда қўллана-ётган юқоридагидек янги формалар шубҳасиз кенг қўлоқ ёйиши керак.

Р. УМАРОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.



Суратларда (чапдан ўнгга): 1. А. М. Шкловская болалар билан тарбия соати ўтказмоқда. 2. Ҳовлида яшовчи болалар бўш вақтларини ана шундай мазмунли ўтказмоқдалар. 3. Уй комитети томонидан чиқариладиган «Маданий турмуш учун» газетасининг витринаси олдида.

М. Нуриддинов фотолари.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
3-БЕТ, 8 ИЮЛЬ 1964 ЙИЛ.

